Куч — адолатда

2015 йил
16 январь,
жума
№ 2 (515)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ БАЙРАМИ

Мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллиги кенг нишонланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригида таъкидланганидек, мустақиллик йилларида ҳар томонлама тайёргарликка эга ва армияда чиниқиш мактабини ўтаган, ҳар қандай фурсатда Ватан ҳимояси учун тайёр бўлган бутун бир авлод вояга етди ва мустаҳкам оёққа турди.

Бу ҳақда сўз борганда, аввалам-бор, мамлакатимизда тинч ва осуда ҳаётни таъминлаш истиқлолнинг дастлабки кунларидан давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланганини алоҳида қайд этиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, 1991 йил 31 августда "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Бу муҳим ҳужжат республикамизга ўз ҳарбий сиёсатини амалга ошириш ҳуқуқини берди. Мазкур қонун, шунингдек, "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида"ги баёнот мамлакатимиз Қуролли Кучларини тузиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Давлатимиз раҳбарининг Фармони билан 1991 йил 6 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди. Бу миллий армиямизни шакллантириш, ҳарбий таълим соҳасини ривожлантириш, муддатли ҳарбий хизматга чақирувни ташкил қилиш, қўшинларни жойлаштириш, ҳарбий техника ва қурол-яроғларни сақлаш ва такомиллаштириш каби муҳим вазифаларни бажариш имконини яратди.

Президентимиз ташаббуси билан 1992 йил 14 январдан мамлакатимиз ҳудудида жойлашган барча ҳарбий тузилмалар Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига ўтказилди. Ўша кундан эътиборан миллий армиямизга асос солинди.

Конституциямизда мамлакатимиз Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилиши белгилаб қўйилган. Ватанимизни ҳимоя қилиш — ҳар бир фуқаронинг бурчи экани таъкидланган. "Мудофаа тўғрисида"ги, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонунларда Қуролли Кучларимизнинг ҳуқуқий асослари ўз ифодасини топган.

(Давоми иккинчи бетда)

Jarayon

Сайловлар – халқимиз ҳамжиҳатлигининг ёрқин кўзгуси

Куни кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи ташкилий йиғилишида мамлакатимизда парламент сайлови сифат жиҳатидан янги ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва очиқ ҳуқуқий шароитларда, шаффофлик, ошкоралик ва адолатлилик каби дунё ҳамжамияти тан олган демократик принциплар асосида, миллий қонунлар ва сайлов тўғрисидаги халқаро ҳужжатлар талабларига, умумэътироф этилган нормалар ва стандартларга тўла мувофиқ тарзда ўтказилгани алоҳида таъкидланди.

Президентимиз Ислом Каримов Конституциямиз ва қонунларимиз асосида, партияларо сиёсий рақобат ва қизғин курашлар руҳида бўлиб ўтган сайловларда Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланган юртдошларимизни табриклаш асносида таъкидлаганидек, **халқ вакили бўлиб, беш йил давомида парламентда иш олиб бориш, сайловчилар билдирган юксак ишончни оқлаш — бу катта бахт, шу билан бирга, катта масъулият демакдир.**

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида мамлакатимизни замон талаблари асосида, барқарор иқтисодий суръатлар билан тараққий эттириш, бунинг учун кенг кўламли демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида олдимизда турган энг устувор ва муҳим масалаларга тўхталди.

Ҳақиқатан ҳам, бугун ҳар биримиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтган, том маънодаги, тарихий сайловларнинг таассуротлари оғушидамиз.

Бинобарин, давлатимиз раҳбари қайд этганидек, элюрт ишончига муносиб бўлиб, олдимизда турган буюк мақсадлар учун, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши, халқимиз фаровонлигини янада ошириш, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрўси ва нуфузини юксалтириш йўлида ўзини бахшида қилиш, вақти келганда, Ватанимизни янада равнақ топтиришда менинг ҳам қўшган ҳиссам бор, деб ишонч билан яшаш ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

(Давоми учинчи бетда)

Qonun ko`magi

Хорижий инвесторлар ҳуқуқий ҳимояси

амалда самарали таъминланмоқда

Маълумки, мамлакатимизда хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш адлия идораларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўтган даврда Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан ҳам бу борада муҳим чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилиб келинмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Аввало шуни қайд этиш керакки, амнистия акти — мамлакатимизда рўёбга чиқарилаётган инсонпарварлик ва бағрикенглик, миллий қадриятларга ҳурмат сиёсатининг амалдаги яна бир ифодасидир. Зотан, билиб-билмасдан жиноят йўлига кириб қолганларни кечириш, уларга нисбатан инсонпарварлик актини қўллаш бундай шахсларнинг ҳар қандай қилмиш учун жазонинг муқаррарлигини англаб етишида жуда муҳим ўрин тутади.

Bag`rikenglik tamoyillari

Бағрикенглик ва инсонпарварликнинг амалдаги намунаси

Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг қонунчилик ҳамда суд ҳокимияти тизимида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган изчил демократик ислоҳотлар олиб борилаётганининг ёрқин ифодасидир.

Умуман, юртимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари моҳиятига ҳам айнан шу ғоя сингдирилгани алоҳида диққатга лойиқдир. Бинобарин, амнистия акти юртимизда қадимдан амал қилиб келинаётган маънавий қадриятларни, қолаверса, халқимиз эъзозлайдиган бағрикенглик, мурувват ва инсонпарварлик каби олижаноб фазилатларни ўзида тўлиқ мужассамлаштирган.

Давлатимиз мустақилликка эришганидан буён ўтган давр мобайнида 25 марта амнистия акти эълон қилинди. Бу ҳақда сўз борганда, Президентимиз ташаббуси билан 1991 йил 31 августда эълон қилинган биринчи амнистия бағрикенг халқимиз ҳаётида энг унутилмас воқеа бўлиб қолганини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

(Давоми тўртинчи бетда)

Islohot va samara

Судларнинг замонавий ва шинам бинолари

одил судловни амалга оширишда муҳим ўрин тутади

Истиқлол йилларида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган, инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган ислоҳотлар ҳар бир шахснинг конституциямизда белгиланган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, жамиятда адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Айниқса, ислоҳотлар жараёнида моддий ва процессуал қонун нормаларини янада такомиллаштиришга, суд тизими ходимлари ва судьяларнинг том маънодаги, мустақиллигини таъминлашга, уларнинг ижтимоий муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиз.

Айтиш керакки, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 2 августдаги **"Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"** ва 2012 йил 30 ноябрдаги **"Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармонлари бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда Бухоро вилояти мисолида фикр юритадиган бўлсак, 2013 йилда жиноят ишлари бўйича Когон шаҳар ва туман судлари, фуқаролик ишлари бўйича Когон туманлараро суди ҳамда суд ижрочилари Когон шаҳар ва Когон туман бўлимлари учун янги замонавий бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

(Давоми учинчи бетда)

Mezon

Ҳалолликда ҳикмат кўп

Инсон умри мобайнида эзгу ва хайрли ишларни адо этса, яхши фазилатлари билан обрў-эътибор топса, кексайганда, албатта, унинг ҳузурини кўради, эл ўртасида иззат-икром қозонади. Зотан, ҳаёт мазмуни ҳалоллик, эзгу ва хайрли амаллардан иборат.

Ҳаётда ҳар бир ишга виждонан ёндашган кишининг йўли ҳамиша равон бўлади. Тўғриликни, ҳалолликни одат қилган кишининг ўзи ҳам, оиласи, яқинлари ҳам тинч ва хотиржам кун кечиришади. Аксинча, ҳаётда тўғри йўл қолиб, эгри йўлдан юриш, нафс қутқусига учиб, турли қинғир ишларга қўл уриш, зиммадаги мажбуриятни бажаришдан бўйин товлаш, охир-оқибат, юзшувутлик билан якун топиши жуда кўп марта ўз тасдиғини топган.

(Давоми иккинчи бетда)

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

Ўтган йил кузда қўшнимнинг моллари экинзоримни пайҳон қилган эди. Табиийки, мен бундан моддий зарар кўрдим. Айтинг-чи, амалдаги қонунларимизда экинларни нобуд қилганлик учун қандай жавобгарлик белгиланган?

Т.ЙЎЛДОШЕВ,
Андижон вилояти,
Избоскан тумани

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 104-моддасига мувофиқ, чорва моллари ёки паррандаларнинг хўжалик экинзорларини пайҳон қилиши, қишлоқ хўжалик экинларининг далада тўплаб қўйилган ҳосилига зарар етказиши ёки уни йўқ қилиб юбориши, кўчатларга шикаст етказиши — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса, уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Экинзор ёки кўчатзорларни ҳамма турдаги ҳаракатланувчи техника воситаларида босиб ўтиш — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар, маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса, беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Айтинг-чи, вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли дейиш мумкинми?

Ш.ШОДИЕВА,
Бухоро вилояти,
Шофиркон тумани

— Ҳа, мумкин. Фуқаролик кодексининг 28-моддасига асосан, ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин.

Вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) ота-онанинг, фарзандликка олувчиларнинг ёки ҳомийнинг розилиги билан васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига мувофиқ ёхуд бундай розилик бўлмаган тақдирда, суднинг қарори билан амалга оширилади.

Ота-она, фарзандликка олувчилар ва ҳомий эмансипация қилинган вояга етмаганнинг мажбуриятлари бўйича, хусусан, у етказган зарар оқибатида келиб чиққан мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлмайди.

Яқинда ўғлим дўстлари билан ўзаро тортишиб қолиб, енгил тан жароҳати олди. Айтинг-чи, қонунларимизда бунинг учун қандай жавобгарлик белгиланган?

П.ИБРОҲИМОВ,
Хоразм вилояти,
Янгиариқ тумани

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 52-моддасида енгил тан жароҳати етказганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра, эҳтиётсизлик орқасидан енгил тан жароҳати етказиш — айбдорга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қасддан енгил тан жароҳати етказиш, бу ҳаракат соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятини унча кўп давом этмайдиган турғун тарзда йўқотишга олиб келмаган бўлса, айбдорга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан тўрт бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Турмуш ўртоғим билан тўйдан олдин битта фирмада ишлаганман. Кейинчалик мен бола парвариши таътилига чиқиб, икки йил уйда бўлдим. Ҳозирда мен олдинги иш жойимга қайтмоқчи эдим, лекин эримнинг айтишича, яқин қариндошларнинг бир ташкилотда ишлаши мумкин эмас экан. Қонунларимизда шундай талаб борми?

Л.РУСТАМОВА,
Тошкент шаҳри,
Олмазор тумани

— Меҳнат кодексининг 79-моддасига асосан, ҳақиқатан ҳам, ўзаро яқин қариндошларнинг битта корхонада, башарти, уларнинг бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, уларнинг бирга хизмат қилиши тақиқланади. Бироқ бу қоида фақат давлат корхоналарига нисбатан татбиқ қилинади. Бу Меҳнат кодексининг 79-моддасида қуйидаги тарзда белгиланган: ўзаро яқин қариндош ёки қудаанда бўлган шахсларнинг (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғил ва қизлар, эр-хотинлар, шунингдек, эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва болалари), башарти, уларнинг бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, бир давлат корхонасида бирга хизмат қилиши тақиқланади.

Бундан ташқари мазкур кодекснинг 234-моддаси 5-қисмига кўра, болани парваришлаш таътиллари даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади. Яъни сиз ушбу корхонада ишлаб турган вақтингизда, болани парваришлаш таътилига чиққанингиз сабабли, иш жойингиз сақланади ва ўз ишингизга қайтишга тўлиқ ҳуқуқингиз бор.

Саволларга Олий суд катта консультанти Гулнора МИРЗААЛИМОВА жавоб берди.

Мардлик ва жасорат байрами

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Кейинги йилларда мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилган улкан ислоҳотлар натижасида миллий армиямизнинг ташкилий-штат тузилмалари бутунлай қайта кўриб чиқилди, юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, Қуролли Кучларни тезкор-стратегик бошқаришнинг замонавий ва самарали тизими яратилди. Қўшин турларининг ўзаро ҳаракатланишини такомиллаштириш, уларни замонавий техника ва қурол-яроғ билан таъминлаш, жанговар ва ўқув тайёргарликнинг маъно-мазмунини ўзгартириш, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тубдан яхшиланди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, армиямиз ҳозирги кунда нафақат Ватанимиз чегараларини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилмоқда, айни вақтда мустаҳкам ирода ва характер, мустақил фикрлаш қобилияти шаклланадиган, жисмоний чиниқиш ва юксак инсоний фазилатлар камол топадиган ҳақиқий профессионал малака ошириш мактабига айланди.

Президентимизнинг 2012 йил 31 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ амалдаги имтиёзлар янада кенгайтирилди. Бу ёшларимизнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий хизмат чоғида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, миллий армиямиз сафларини жисмонан ва маънан етук ёшлар билан тўлдиришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уй-жой билан таъминлаш ва маиший шароитини яхшилаш борасида ҳам изчил ишлар амалга оширилмоқда. 2014 йилда ҳам кўплаб ҳарбий хизматчилар ўз уйларига эга бўлди. Бу, ўз навбатида, юртимизда ҳаётини ушбу шарафли касбга бағишлаган ҳар бир ҳарбий хизматчининг муаммолари эътиборсиз қолмаслиги ва оиласининг тинчлиги ва фаровонлиги ишончли равишда кафолатланганидан яна бир далолатдир.



Бир сўз билан айтганда, ўтган даврда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида замонавий қурол-яроғ ва техника, етук ҳарбий мутахассислар билан таъминланган Қуролли Кучларимизни барпо этиш юзасидан амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашда юксак самаралар бермоқда.

Энг муҳими, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Биз суверен Ўзбекистоннинг Қуролли Кучларини ташкил этиш жараёнида ҳарбий қурилиш соҳасида мерос бўлиб қолган тажрибадан тўғридан-тўғри нусха кўчиришдан воз кечиб, аниқ ва реал геостратегик ва геосиёсий шароитни, замонавий урушлар ва қуролли можароларнинг қандай хусусиятларга эга эканини ҳар томонлама ҳисобга олдик, Марказий Осиё минтақасида юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрининг ўзига хос жиҳатлари таҳлилидан келиб чиқиб иш тутдик ва шунингдек, ўзимизнинг азалий миллий фазилат ва анъаналаримизга таяндик".

Бунинг натижасида ўтган йигирма уч йилда мамлакатимизда профессионал миллий армиямиз шакллантирилиб, жаҳон талабларига жавоб берадиган замонавий қурол-яроғ, техника ва етук ҳарбий мутахассислар билан таъминланди. Ҳарбий тузилмаларда миллий қадриятларимизга хос соғлом маънавий, ахлоқий-руҳий муҳит яратилиб, ҳарбий хизматга ва ҳарбий хизматчиларга муносабат тубдан ўзгарди.

Ёшларни ҳарбий хизматга чақирув ва йиғув пунктларининг инфратузилмаси такомиллаштирилиб, сафарбарлик чақирув мавсуми учун зарур шароит яратилди. Натижада армияда хизмат қилиш ёш авлодимиз учун алоҳида маъно-мазмунга эга бўлиб, унинг нуфузи тобора ортиб бормоқда.

Мамлакатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, бундай хизматнинг жозибадорлиги фақат яратиб берилаётган имтиёзлар ва ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ва моддий жиҳатдан юқори даражада таъминлангани билангина боғлиқ эмас, албатта. Бу, авваламбор, армия ёш авлодимиз учун ҳақиқатан ҳам мардлик ва мустаҳкам иродани, юксак ватанпарварлик туйғусини, Ватанимизга севги ва садоқат ҳисларини тарбиялайдиган ҳаёт мактабига айлангани билан изоҳланади.

Бу йил Ватан ҳимоячилари куни мамлакатимизда "Ватан — улуғ, бурчим муқаддас!" шиори остида нишонланмоқда. Давлат ва жамоат ташкилотлари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан ушбу мавзуда ҳарбий қисм ва бўлинмаларда, барча вилоятларда, олис қишлоқ ва маҳаллаларда кўплаб учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Айниқса, "Кексаларни эъзозлаш йили" деб эълон қилинган жорий йилда, биринчидан, уруш қатнашчилари ва Қуролли Кучларимиз фахрийларини моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш янада кучайтирилаётган бўлса, иккинчидан, кўплаб фахрийларимиз ўзларининг ноёб тажрибалари, билим ва малакаларини Ватан ҳимоячиларининг янги авлодига ўргатиб, мамлакатимизни ривожлантиришда фаол иштирок этишмоқда.

Бундай тадбирларда халқимизнинг юртимиздаги тинчлик-осойишталикни қадрлаши, бу азиз неъматни асраб-авайлашга барча ўзини бирдек дахлдор сезиши — Ўзбекистон ягона Ватан, бир тану бир жон экани намоён бўлмоқда. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ўзининг тинчликсевар сиёсатига ҳамиша содиқ бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Бобомурод РАЙИМОВ

Qonun ko`magi

Хорижий инвесторлар ҳуқуқий ҳимояси

амалда самарали таъминланмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Айтиш керакки, адлия бошқармасида вилоятда фаолият кўрсатаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг мурожаатларини қонуний муддатларда кўриб чиқиш алоҳида назоратга олинган.

Масалан, "MRT Textile" хорижий корхонаси раҳбарининг "Халқ банки"нинг Наманган вилоят филиали томонидан суд ҳужжатига асосан қайтарилиши белгиланган пул маблағи корхона ҳисобига қайтарилмаётгани ҳамда корхонанинг банкка йўллаган мурожаати ўз вақтида кўриб чиқилмаётгани юзасидан ёзган мурожаати ўрганиб чиқилди. Натижада аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари ва уларни бартараф этиш юзасидан банк филиалига тақдимнома киритилди. Ушбу тақдимномага кўра, хорижий корхонага 2 241 054 сўм маблағ қайтарилди ҳамда қонунбузилишига йўл қўйган филиал ходимига нисбатан ҳайфсан интизомий жазо чораси қўлланилди. Шунингдек, хорижий корхона мурожаатини кўриб чиқишни таъминламаган банк масъул ходимига нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддасига асосан, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида баённома расмийлаштирилиб, судга тақдим этилди. Суднинг қарори асосида ҳуқуқбузарнинг маъмурий жавобгарликка тортилиши таъминланди.

Шунингдек, "Aisha Home Textile" қўшма корхонаси раҳбарининг "Ипак йўли банки"нинг

Наманган вилояти филиали томонидан кредит шартномасига асосан, кредит фоизи нотўғри ҳисобланиб, асоссиз равишда маблағ ундирилаётгани тўғрисидаги мурожаати ҳам ўрганиб чиқилди. Бу борада аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари ва уларни бартараф этиш юзасидан банк филиалига тақдимнома киритилди. Тақдимномага асосан, қўшма корхонадан қонунга зид равишда ундирилган 43 287 671 сўм қайтарилиши таъминланиб, қонунбузилишига йўл қўйган банк филиалининг икки нафар масъул ходимига ҳайфсан интизомий жазо чораси қўлланилди.

Хулоса қилиб айтганда, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга яратилган имкониятлар ва имтиёзлар рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўламини янада кенгайтириш, экспорт салоҳиятини янада ошириш, истеъмол бозорини сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш ҳамда хорижий давлатлар билан мамлакатимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

Бахтинур ҲАСАНОВ,
Наманган вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

Mezon

Ҳалолликда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ўтган йилнинг 30 июл куни М.Саъдуллаевга (исм-шарифлар ўзгартирилди) нисбатан суд қарори билан эҳтиёт чораси қўлланилиб, у қамоққа олинди. Бу бежизга эмас, албатта. Чунки М.Саъдуллаев ҳам ҳалолликдан чекиниб, турли хил қинғир ишларга қўл урган эди.

Аниқроқ айтганда, М.Саъдуллаев 2008 йилнинг январ ойида қонунда белгиланган тартибда "Хумор" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этади. У жамият раҳбари лавозимида фаолият юритган даврда мансаб сохтакорлигига йўл қўйиб, ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилади. Бундан ташқари М.Саъдуллаев масъулияти чекланган жамият бош ҳисобчиси F.Турдиниёзов билан ўзаро жиноий тил бириктириб, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан ҳам қасддан бўйин товлайди.

Айтиш керакки, 2013 йил 23 март куни "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компаниясининг Сирдарё вилояти филиали билан "Хумор" масъулияти чекланган жамияти ўртасида Оқолтин туманидаги "Ғафур Ғулом" массивида 1 миллиард 375 миллион 913 минг 711 сўмлик қийматдаги намунавий лойиҳалар асосида ўнта уй-жойни тайёр ҳолда фойдаланишга топшириш бўйича 25/62-сонли шартнома расмийлаштирилади.

Масъулияти чекланган жамият раҳбари М.Саъдуллаев "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компаниясининг Сирдарё вилояти филиали "Лойиҳа-қидирув ишлари ва қурилишни техник назорат" бўлими етакчи мутахассиси F.Нуралиев ва филиал бошқа мансабдор шахслари билан ўзаро жиноий тил бириктиради. Шу тариқа у "Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги ҳисоб-фактура маълумотномаси"ни сохталаштиради. Аниқроқ айтганда, у расмий ҳужжатга сохта маълумотларни киритиб, қурилиш объектида аслида 1 миллиард 27 миллион 944 минг 996 сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлса-да, гўёки 1 миллиард 283 миллион 149 минг 780 сўмлик қурилиш ишлари бажарилганини қайд этади. Яъни аслида бажарилмаган 255 миллион 204 минг 784 сўмлик қурилиш-монтаж ишларини қўшиб ёзиб, тўлов учун тақдим этади. Шундан сўнг масъулияти чекланган жамиятининг банкдаги ҳисоб рақамига 211 миллион 312 минг 464 сўмлик тўлов пуллари келиб тушади.

Шуни қайд этиш жоизки, Солиқ кодексининг 34-моддасида, солиқ тўловчиларга ушбу кодексда белгиланган ҳолларда давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда туриш, солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни аниқлаш ҳамда уларнинг ҳисобини юритиш, молиявий ва солиқ ҳисоботини тузиш ҳамда уни давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ миқдорда тўлаш шартлиги белгилаб қўйилган. Табиийки, М.Саъдуллаев ва бош ҳисобчи F.Турдиниёзов бу қонуний талаблардан бехабар бўлиши мумкин эмас.

Қолаверса, масъулияти чекланган жамият раҳбари билан бош ҳисобчи туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан солиқ ва тўловлар бўйича ҳисоботларни ўз вақтида топшириш зарурлиги юзасидан бир неча маротаба расман огоҳлантирилган. Бироқ ҳамтовоқлар бу огоҳлантириш ҳамда талабномаларга, афсуски, панжа орасидан қарашган. Масъулияти чекланган жамиятининг 2013 йил йиллик солиқ ҳисоботлари туман давлат солиқ инспекциясига топширилмагани оқибатида жами 470 миллион 764 минг 788 сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар давлат бюджетига тўланмасдан қолган.

Албатта, бу ҳаётда ҳар бир нарсанинг сўрови бор. Тегишли идоралар томонидан масъулияти чекланган жамият фаолияти юзасидан текшириш ўтказилди. Кейин эса, жиноят иши юзасидан дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилди.

Jarayon

Сайловлар – халқимиз ҳамжиҳатлигининг ёрқин кўзгуси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бошқача айтганда, сайловлар демократик ислоҳотларга дахлдорлик ҳисси халқимизнинг ҳаёт тарзига айланганини яна бир бор амалда намоён этди.

Қонунчилик палатаси сайловида бевосита иштирок этиб, сайлаш ва сайланиш борасидаги конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқарган фуқаро сифатида, авваламбор, мазкур сайлов кампанияси давомида мамлакатимиз фуқаролари ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши учун ҳуқуқий, ташкилий, шунингдек, мониторинг соҳасида барча имкониятларга эга бўлганини эътироф этишни истардим.

Қонунчиликка мувофиқ сиёсий партиялар ҳамда депутатликка номзодларга ташвиқот олиб бориш, ўз сайловолди дастурларининг қоидаларини оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли кенг қатламларига етказиш учун тенг ҳуқуқий ва амалий шароитлар яратилди.

Мамлакатимиз ҳаётидаги бу жуда муҳим воқеа халқимизнинг ўз Юртбошиси атрофидаги мустаҳкам жипслиги, истиқлол йилларида юртимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотларни қўллаб-қувватлаши ва эртанги кунга комил ишончининг ёрқин намойиши бўлди, дейиш учун тўла асос бор. Бу фақат юртдошларимизнинг эмас, кўп сонли хорижлик кузатувчиларнинг ҳам якдил фикридир.

Президентимизнинг: **"Кимки асл демократияни кўрмоқчи бўлса, Ўзбекистонга келсин!"**, деган сўзлари сайловлар жараёнида ўзининг амалий исботини топди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Осиё ва араб мамлакатлари, турли халқаро ташкилотлар вакиллари, шунингдек, ниҳоятда талабчан бўлган Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси кузатувчилари ҳам сайловлар халқимизнинг жуда фаоллиги муҳитида, энг юқори демократик стандартларга тўла амал қилган ҳолда ўтганини эътироф этдилар.

Буларнинг барчаси бежиз эмас, албатта. Нега деганда, Ўзбекистон халқи ушбу сайловларда ҳозирги тез ўзгараётган дунёда, тобора мураккаблашиб бораётган таҳликали замонда, давлат ва жамият нуқтаи назаридан, авваламбор, миллий манфаатларимиздан келиб чиқиб, ҳар бир оила ва ҳар бир фарзанд келажаги учун, юрт тинчлиги, Ватан ободлиги учун, танлаган йўлимиздан ҳеч оғишмай боришимиз учун овоз берди.

Мен Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Қашқадарё вилоятидан биринчи марта депутат бўлиб сайланаётганим йўқ. Аввалари ҳам, айниқса, бу сафар сайловчилар билан элликдан ортиқ учрашувларим пайтида миришкор деҳқонлар ва чорвадорлар, моҳир саноатчилар ва тадбиркорлар, ўқитувчилар ва шифокорлар, зиёлилар ва фермерлар, қалб қўри ловиллаб турган қанчадан-қанча ёшларимиз Ўзбекистонда, шу жумладан, ўзлари яшаётган вилоятда рўй бераётган демократик ўзгаришларни кўзлари порлаб, ҳаяжон ва ғурур билан тилга олишларини кўп марта эшитдим.

Бугун вилоятда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари авжида. Қарши шаҳрини ривожлантиришнинг янги босқичи изчил бормоқда. Шаҳрисабз жаҳон туризми марказларидан бирига айланмоқда. Муборак, Деҳқонобод туманларидаги энг замонавий технологияларга асосланган саноат корхоналари фаолияти тобора кенгаймоқда.

Денгиз сатҳидан 1800 метр баландликда бунёд этилган "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темирйўли эндиликда осмонўпар тоғлар орасини кесиб ўтиб, ер ости минерал ресурслари, нефть ва газ, рангли металл, кўмир ҳамда калий тузи, қурилиш материаллари ва бошқа қимматбаҳо фойдали қазилмаларни ўзлаштириш имконини бермоқда. Энг асосийси, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган кўркам уйларда ҳамма нарса муҳайё.

Сайловчилар билан учрашувлар пайтида ҳар бир қашқадарёлик бу каби бунёдкорлик ишларида бевосита иштирок этаётганига ва ўз меҳнати ҳамда истиқлол берган имкониятлар самараларидан миннатдор бўлиб, келажакка ишонч билан яшаётганига шахсан гувоҳ бўлдим.

Агар бутун Ўзбекистонимиз миқёсида оладиган бўлсак, бугунги кунда халқимизнинг машаққатли ва фидокорона меҳнати ҳисобидан эришаётган ютуқ ва марраларимизни дўстларимиз ҳам, мухолифларимиз ҳам тан олаётганини, ислоҳотларимиз самарасини жаҳон ҳамжамияти эътироф этаётганини ҳар биримиз кўриб, англаб турибмиз. Давлатимиз раҳбари айтганидек, **"Баъзи давлатлар, қани, биз ҳам шундай натижаларга эришсак, деб бизга ҳавас билан қараётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас"**.

Шу билан бирга, ҳозирги вақтда дунёнинг узоқ-яқин турли ҳудудларида юз бераётган ташвишли воқеалар, жумладан, минтақамизда, ёнатрофимизда кучайиб бораётган хавф-хатарлар, қонли тўқнашувлар, сиёсий ва иқтисодий қарама-қаршиликлар, терроризм, радикализм, наркотрафикнинг тобора авж олиб, тинчлик ва барқарорликка катта таҳдид туғдираётганини, бир лаҳза бўлса-да, унутишга, хотиржамликка берилишга ҳаққимиз йўқ.

Аксинча, мана шундай тобора кескинлашиб бораётган бир вазиятда биз ҳушёрлик ва сергаклигимизни йўқотмасдан, кимлар бизга хайрихоҳ, кимлар ғаразли кўз билан қараётганини, бугунги ҳаёт, бугунги давр бизнинг олдимизга қандай ўткир талаб ва вазифаларни қўяётганини чуқур англаб, огоҳ ва сезгир бўлиб яшашимиз бугунги куннинг қатъий талабидир.

Қонунчилик палатасининг илк мажлисида XX асрнинг 90-йилларида бошқа совет республикалари қатори Ўзбекистон ҳам мустақил тараққиёт йўлига ўтгани, жумладан, мамлакатимиз қай тариқа сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий мустақиллигини сақлашга ва мустаҳкамлашга эришгани ҳақида атрофлича сўз борди.

Айниқса, Президентимизнинг: **"пахта иши" деган уйдирма ва бўҳтонлар, Марказдан юборилган, ўзини "десантчилар" деб атаган ёвуз кучларнинг қонунни, адолатни, халқимизнинг шаъни ва ғурурини оёқости қилиб амалга оширган кирдикорлари ҳақидаги бор ҳақиқатни тўла очиб бериш лозим"**, деган фикрларини тинглар эканман, қуйидаги далил ва рақамлар хаёлимдан ўтди.

Гап шундаки, Юртбошимиз Қашқадарёга раҳбар бўлиб борган 1986 йили вилоятда "пахта иши" билан айбланиб, бир ярим минг одам қамалган экан. Агар уларнинг оила аъзолари, қариндош-уруғларини ҳисобга олсак, биргина шу вилоятнинг ўзида "пахта иши" оқибатида камида 150 минг одам совет тузумидан жабр кўрган.

Қашқадарёликлар ўшанда Президентимиз уларни ҳимоя қилиб, ишга, ҳаётга руҳлантиргани, энг муҳими, қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш борасида матонат кўрсатганини ҳалигача миннатдорлик туйғуси билан эслашади.

Яқин ўтмишимизнинг ана шундай аччиқ тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, мустақилликнинг илк даврида яратилган ҳамда Президентимиз ташаббускори ва муаллифи бўлган Конституциямиз бугунги кунда ўзининг кутилган самараларини бермоқда.

Кези келганда, Асосий Қонунимизнинг маъно-мазмунига нафақат жаҳондаги 97 та илғор давлат конституцияларининг, 30 тадан ортиқ халқаро ҳужжатларнинг умуминсоний ҳуқуқий ғоялари, балки буюк аждодларимизнинг инсонни улуғлаган ҳуқуқ фалсафаси ва миллий ҳуқуқий қадриятлари ҳам чуқур сингдирилганини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Ҳақиқатан ҳам, Истиқлол йилларида шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўрки тамомила ўзгариб, тубдан очилиб бормоқда. Юртимизнинг барча ҳудудларида қанчадан-қанча замонавий ҳамда гўзал иншоотлар, дунёда тенги йўқ саноат корхоналари, равон йўллар ва кўприклар, шифохона ва мактаблар, коллеж ва лицейлар, маданият ва спорт мажмуалари бунёд этилди.

Улуғ аждодларимизнинг не-не зиёратгоҳлари обод бўлди. Кўплаб намунавий уйжойлар, гузарлар, замонавий инфратузилмалар барпо этилди.

Ўз даврида Амир Темур бобомиз **"Агар куч-қудратимизга шубҳангиз бўлса, биз бунёд этган муҳташам иморатларга боқинг"**, деган сўзларни Оқсаройнинг пештоқига ёздириб қўйганларини яхши биламиз.

Айни чоғда, ҳар биримизнинг кўз ўнгимизда, бевосита иштирокимизда барпо этилган мустақиллик даври архитектурасининг ноёб намуналари ҳам шундай фахру ифтихорга ҳар томонлама муносибдир.

Миллий қадрият ва анъаналаримизни тиклаш, маънавият ва маърифатни юксалтириш борасида амалга оширилаётган бу каби улкан бунёдкорлик ишлари, биринчидан, бугунги авлоднинг саодатли ҳаётини таъминлаётган бўлса, иккинчидан, келгуси авлодлар учун бахтнинг мустаҳкам пойдевори бўлмоқда.

Бир сўз билан айтганда, биз, янги сайланган депутатлар Ўзбекистоннинг саодатли бугуни ҳамда буюк келажаги йўлида бор билим ва малакамиз, ижодий куч-қудратимизни бағишлаш орқали она Ватанимизнинг миллий манфаатлари учун фидокорона хизмат қилишимиз талаб этилади.

Бу йўлда, Юртбошимиз таъкидлаганидек, доимо ўрганиш, изланиш, янгиликка интилиб яшаш — бугунги кунимизнинг қатъий даъватидир.

Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси

Islohot va samara

Судларнинг замонавий ва шинам бинолари

одил судловни амалга оширишда муҳим ўрин тутади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Жорий йилда эса, жиноят ишлари бўйича Қоровулбозор ҳамда Шофиркон тумани суди ўз фаолиятини янги биноларда давом эттирмоқда. Бундан ташқари жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти судининг биноси ҳам капитал таъмирланди.

Таъкидлаш жоизки, янги қурилган суд биноларида жиноят ишлари бўйича туман судларидан ташқари шу тумандаги суд ижрочилари бўлимлари ҳам фаолият юритмоқда. Шунингдек, ҳар бир суд биносида прокурор ва адвокатлар учун алоҳида хоналар, маънавият ва маърифат хонаси, фуқаролар учун кутиш заллари ташкил қилинди. Бундан ташқари Шофиркон ва Қоровулбозор туманларида фуқаролик ишлари бўйича судлар мавжуд эмаслиги эътиборга олиниб, ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олиш мақсадида, ҳар бир туман судида фуқаролик ишлари бўйича судлар учун иккитадан хона ажратилди.

Албатта, суд-ҳуқуқ тизимида яратилаётган бу каби қулайлик ва имтиёзлар, аввало, ҳар бир судья ва суд ходимининг зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, судьялар ва суд тизими ходимларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, судларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, замонавий ва шинам суд биноларини барпо этиш каби амалий саъй-ҳаракатлар судларнинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, одил судловни амалга ошириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини амалда тўлиқ таъминлашдек эзгу мақсадга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Икром МУСЛИМОВ,
жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти судининг раиси

Maslahat

Гумон қилинувчи

унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат?

Амалдаги Жиноят процессуал кодексининг 48-моддасида гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилган. Унга кўра, гумон қилинувчи: ўзининг нимада гумон қилинаётганлигини билиш; ушлаб турилганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёхуд хабар бериш; у ушланган ёки гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб ҳимоячига эга бўлиш ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда у билан холи учрашиш, ушбу кодекснинг 230-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно; ушланганидан кейин йигирма тўрт соатдан кечиктирмай сўроқ қилинишини талаб қилиш; ўзига нисбатан қўйилган гумон хусусида ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари тўғрисида кўрсатмалар бериш ёхуд кўрсатмалар беришдан бош тортиш ва кўрсатмаларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш; ўз она тилидан ҳамда таржимон хизматидан фойдаланиш; ўзининг ҳимояланиш ҳуқуқини шахсан ўзи амалга ошириш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; далиллар тақдим этиш; суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш; ярашув тўғрисидаги, амнистия актини қўллаш ҳақидаги ишлар бўйича суд мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш ҳуқуқига эга.

(Давоми тўртинчи бетда)

Ҳаётда ўзаро ишонч, меҳр-оқибат сингари юксак инсоний фазилатлар, одамлар ўртасида муносабатларни мустаҳкамлаб қолмай, кишини хайрли ва эзгу ишларга ҳам ундайди. Шу боисдан ҳам, халқимиз азал-азалдан инсон умрига ўзгача файз бахш этувчи бу фазилатларни улуғлаб келган. Бироқ турмушда ўзгаларнинг ишончини, суиистеъмол қилиш орқали ўзининг ғаразли ниятини амалга оширишни кўзлайдиган кимсалар ҳам учраб туради.

ҳикмат кўп

Буни қарангки, айни пайтда масъулияти чекланган жамият мутасаддилари ўз қилмишларининг оқибатини англаб етди чоғи, "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компаниясининг Сирдарё вилоят филиали манфаатларига етказилган 255 миллион 204 минг 784 сўмлик моддий зарарни қурилиш-монтаж ишларини тўлиқ бажариш йўли билан қоплашди. Мазкур жиноят иши судда кўрилаётганда эса, "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси Сирдарё вилоят филиали судга зарар ўрни қопланганлиги учун М.Саъдуллаевга нисбатан фуқаровий даъвоси йўқлиги ҳақида ёзма маълумотнома тақдим этди.

Энди ушбу жиноят ишининг солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш қисмига тўхталадиган бўлсак, суд вилоят прокуратурасининг "Хумор" масъулияти чекланган жамияти раҳбари М.Саъдуллаев ва бош ҳисобчиси Ғ.Турдиниёзовдан Сардоба туман давлат солиқ инспекцияси фойдасига етказилган моддий зарарни ундириш ҳақидаги даъво аризасини қаноатлантирди. Мазкур масъулияти чекланган жамиятининг дебитори ҳисобланган "Феникс Бинокор" масъулияти чекланган жамияти "Хумор" масъулияти чекланган жамиятининг солиқ бўйича қарздорлигини қоплашни ўз зиммасига олиб, кафолат хати берди. Ушбу кафолат хатига асосан Сардоба туман давлат солиқ инспекцияси "Феникс Бинокор" масъулияти чекланган жамиятининг банк муассасасидаги ҳисоб рақамига инкасса топшириқномаси қўйиб, бу ҳақида судга маълумотнома тақдим қилди.

Ўз навбатида, суд судланувчи М.Саъдуллаевни Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а" банди, 209-моддаси 1-қисми, 184-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топди. Унга нисбатан жазо тайинлашда айбига иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, етказилган зарар тўлиқ қоплангани, солиқларни тўлаш чоралари кўрилгани ва оилавий шароити ҳамда Жиноят кодексининг 167-моддаси 4-қисмидаги "Жиноят оқибатида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди" деган меъёрни инобатга олди.

Яъни суд судланувчи М.Саъдуллаевга узил-кесил қатъий ўташ учун уч йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, ҳар ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда икки йил уч ой йигирма етти кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади. Шунингдек, судланувчига энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз баравари — 19 миллион 221 минг сўм миқдорида жарима жазоси тайинланди.

Шунингдек, суд судланувчи Ғ.Турдиниёзовга нисбатан Жиноят кодексининг 184-моддаси 3-қисмини қўллаб, энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик баравари — 14 миллион 415 минг 750 сўм миқдорида жарима жазоси ҳамда бир ярим йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинлади.

Юқорида масъулияти чекланган жамият раҳбари ва бош ҳисобчисига нисбатан тайинланган жазо чоралари хусусида бежизга батафсил тўхталмадик. Агар М.Саъдуллаев ва Ғ.Турдиниёзов эгри йўлга қадам босмаган, сохтакорлик, кўзбўямачилик каби қилмишларга қўл уришмаганда бугун юзшувут бўлиб қолишмасди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ҳар қандай қинғир иш кишига ташвиш келтиради. Шундай экан, ҳар биримиз эгри кўчаларга бош суқиш ҳеч қачон наф келтирмаслигини, ҳалол ва виждон амрига бўйсунган ҳолда умр кечириш инсонга ҳузур-ҳаловат бағишлашини доимо ёдда тутайлик.

Отабек НАБИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Оқолтин туман судининг раиси

Jinoyatga jazo muqarrar

Фирибгарнинг қилмиши

унинг ўзига қимматга тушди

Суд очерки

Масалан, (исм-шарифлар ўзгартирилган) "Ғузор Нуриддин-Ҳусниддин" қурилиш ишлаб чиқариш корхонасида раҳбарлик лавозимида ишлаб келган Х.Турсуновни шундай кимсалар тоифасига киритиш мумкин. Чунки у муқаддам икки маротаба судланиб, тегишлигича жазо олган бўлса-да, бундан ўзига тўғри хулоса чиқармай, нафс йўлида яна жиноят кўчасига қадам босди.

Гап шундаки, Ғузор тумани ҳокимининг 2009 йил 2 майдаги қарори билан "Ғузор Нуриддин-Ҳусниддин" қурилиш ишлаб чиқариш корхонасига тумандаги Амир Темур маҳалласи фуқаролар йиғини ҳудудидан 6 та якка тартибдаги уйжой қуриш учун ер майдони ажратилади.

Албатта, бу хусусий корхонага билдирилган ишонч эди. Х.Турсунов ҳалол меҳнати билан бу ишончни оқлаши, обрў-эътибор топиши мумкин эди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Диққат, танлов!

«ЖАМИЯТ ВА МЕН»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда республикадаги босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ва фотожурналистлари учун "Жамият ва мен" танловини эълон қилади.

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маърифий-маданий, ҳуқуқий соҳалардаги ислоҳотларнинг бориши, жамиятнинг фаол аъзолари ташаббусларини бирлаштириш, ННТ, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, ОАВ ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ижтимоий шериклик ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган ижодий ишлар қуйидаги йўналишлар бўйича қабул қилинади.

Танлов йўналишлари

— Энг яхши ёритилган "ижтимоий мавзулар";
— Энг яхши ёритилган "иқтисодий мавзулар";
— Энг яхши ёритилган "тарих ва маданият мавзулари";
— Энг яхши ёритилган "сиёсий мавзулар";
— Энг яхши ёритилган "ҳуқуқий мавзулар";
— Энг яхши ёритилган "илмий-техника мавзулари";
— Энг яхши ёритилган "спорт мавзулари";
— Энг яхши ёритилган "ижтимоий шериклик мавзулари";
— Энг яхши ёритилган "жамоатчилик назорати мавзулари".

Махсус номинациялар:

— "Ўз замонасининг қаҳрамони" мавзусида энг яхши материал;
— "Янги авлод" мавзусида энг яхши материал.

Танлов шартлари

Тақдим этилган ижодий ишлар босма ва интернет нашрларда 2014 йилнинг 1 январидан 2015 йилнинг 1 январига қадар чоп этилган бўлиши шарт.

Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида маълумотлар (фамилияси. исми, процессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) илова қилинади.

Танловга материаллар 2015 йилнинг 4 февралига қадар қабул қилинади.

Танловни ўтказиш тартиби

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, манфаатдор идора ва муассасалар вакилларидан иборат нуфузли ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални ёритишдаги аниқлик ва ўзига хослик, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Танлов ғолибларига мукофотлар

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари ташкилотчилар томонидан таъсис этилган диплом, ноутбук, планшет, қўл телефони ва шу каби қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Материаллар ва уларга ҳисобот кўринишидаги маълумотлар "Жамият ва мен танловига" деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига қуйидаги манзилга жўнатилади.

Тошкент шаҳри — 100129, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 1-хона Тел./факс: 244-14-28, 244-12-51 www.mmf.uz, e-mail:fonduz@umail.uz.

Ташкилий қўмита

Bag`rikenglik tamoyillari

Бағрикенглик ва инсонпарварликнинг амалдаги намунаси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу ўринда 2008 йилнинг декабрь ойида ишни судга қадар юритиш босқичида шахсларга ва маҳкумларга амнистия актини қўллаш ваколати ҳам судга ўтказилганига эътибор қаратиш зарур. Яъни шу тариқа мамлакатимизда амнистия актини қўллаш, жиноят процесси босқичидан қатъи назар, фақат суд томонидан ҳал этиладиган бўлди.

Зотан, бу муҳим қадам, ўз навбатида, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд томонидан ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтирди. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, юқорида кўрсатилгани каби илғор чораларнинг киритилиши билан Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқ нормаларининг замонавий стандарт ва талабларига жавоб берадиган жиноий жазоларнинг инсонпарвар ва либерал тизими яратилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва жиноят қонунчилигини эркинлаштириш замирида, авваламбор, инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойиллари, жиноят содир этган шахсларга нисбатан кечиримли бўлиш мақсадлари мужассамлашган. Шу жиҳатдан, амнистия — умумий афв бўлиб, олий давлат ҳокимияти органининг хусусий акти, айрим шахсларни жазодан озод қилиш, жиноят ишини бекор этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисидаги қароридир. Унинг асосида хато қилган ёки қилмишидан пушаймон бўлганлар кечирилади, уларга ҳаётларини тўғри йўлга солиш учун имкон берилади.

Бошқача айтганда, амнистия актини қўллаш — ғайриқонуний ҳаракатлар содир этган жиноят процесси иштирокчиларидан бири бўлмиш гумонланувчи, айбланувчи ёки судланувчи учун маълум имконият ва енгилликлар туғдириш мажмуаси, десак, муболаға бўлмайди.

Шу ўринда маълумотларга эътибор қаратсак, жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди томонидан амнистия акти эълон қилинган кундан жорий йилнинг 1 январига қадар 141 та жиноят иши бўйича 152 нафар шахсга нисбатан амнистия акти қўлланилиб, уларнинг барчаси жазодан озод этилган. Уларнинг 27 нафарини аёллар, 3 нафарини вояга етмаганлар, 2 нафарини 60 ёшдан ошганлар, 3 нафарини чет эл фуқаролари ва бир нафарини фуқаролиги бўлмага шахс ташкил этади.

Аниқ мисоллар ёрдамида фикр юритадиган бўлсак, Н.Эркинова (исм-шарифлар ўзгартирилди) 2014 йилнинг август ойида алдов йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритиш мақсадида, У.Дадабоевага фуқаролик паспортини олишга ёрдам бераман, дея унинг 300.000 сўм пулини қўлга киритади ва бу маблағни ўз эҳтиёжи йўлида сарфлаб юборади.

Бундан ташқари Н.Эркинова У.Дадабоеванинг судга ариза билан мурожаат қилаётганидан хабар топгач, яна кўнглида ғаразли мақсад оралайди. Яъни У.Дадабоевага турли ваъдалар бериб, унинг 450.000 сўм миқдоридаги пулини алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан олиб қўяди.

Н.Эркинова ўз жиноий ҳаракатини яна давом эттириб, фуқаро М.Исомовага ҳам ички ишлар бўлимида таниши борлигини, паспортни расмийлаштириш муддатини тезлаштириб беришини айтиб, унинг 100 АҚШ доллари миқдоридаги маблағини фирибгарлик йўли билан олади.

Охир-оқибат Н.Эркинованинг амалдаги Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми "б" банди, 28, 211-моддаси 2-қисми "а" бандида назарда тутилган жиноятлари фош бўлади.

Суд Н.Эркинованинг ўзига нисбатан амнистия қўллаш ҳақидаги аризасини ҳар томонлама ўрганиб чиқди, прокурорнинг фикрини тинглаб, судланувчининг содир этган жиноятининг унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига киришини, энг асосийси, жабрланувчиларга етказилган зарар тўлиқ қопланганини инобатга олди ва Олий Мажлис Сенатининг 2014 йил 14 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори 5-бандига асосан, жиноят ишини тугатиш лозим деган тўхтамга келди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, амнистия акти билиб-билмай ножўя қилмиш содир этган шахсларга ўз хатоларини англаб етиш, соғлом турмуш тарзига қайтиб, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиш ҳамда оила даврасида мазмунли умр кечириш учун берилган имкониятдир, десак, хато қилмаймиз. Зотан, амнистия акти бағрикенглик, кечиримлилик ва инсонпарварлик каби халқимизга хос қадриятларнинг амалдаги намунасидир.

Маъруфжон ТЕШАБОЕВ,
жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг раиси
Икромжон ОРИФЖОНОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

G`aroyib olam

Дунёда ҳамма нарсанинг ўз номи бор. Бинобарин, муайян давлат ва шаҳарларнинг номланиши ҳам вақт синовидан ўтиб, эндиликда ўзига хос нуфузга эга бўлган.

Биз билган ва билмаган дунё

ҒАРОЙИБ ВА АНТИҚА НОМЛАР

Масалан, Бразилия давлати тарихда "Илха-Де Вера Круш" деб аталган. Бу "Илоҳий ярим орол" деган маънони англатиб, 1500 йилда бу ерга тасодифан келиб қолган португалиялик сайёҳ Педро Кабралл томонидан қўйилган. Аммо 1510 йилга келиб, португалиялик савдогарлар бу ердан сердаромад цезалпиния дарахтини Европага катта миқдорда таший бошлайди. Португал тилида бу дарахтнинг номи "Поул Бразил" деб номлангани боис, бу юртни "Терро до Бразил", яъни "Бразил дарахти макони" деб атай бошлашган ва кейинчалик бу ном секин-аста талаффузга мослашиб "Бразилия"га айланган.

Американинг Огайо штатидаги Твинсбург шаҳрида ҳар йили эгизаклар фестивали бўлиб ўтади. Энг қизиғи, шаҳар номи ҳам сўзма-сўз таржима қилинганда "Эгизаклар шаҳри" деган маънони англатади. Бу ном шаҳарга 1817 йилда эгизак ака-ука Ундкокслар илтимосига биноан берилган. Гап шундаки, бир-бирига икки томчи сувдек ўхшаш бу ака-укалар улғайгач, худди ўзларидек бир-бирига жуда ўхшаш эгизак опасингиллар билан турмуш қуришган. Бу тўй эса, энди шаклланаётган ва ҳали тайинли ном берилмаган шаҳарчада катта шов-шувга сабаб бўлган. Ана шу улкан шодиёнада, куёвтўраларнинг раъйига кўра, шаҳарга шу ном берилган. Ҳозирги кунда шаҳар бахтиёр жуфтликлар рамзлари сингдирилган антиқа меъморий кўринишдаги бинолари билан сайёҳларнинг эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда.

АҚШнинг Аризона штатидаги шаҳарчалардан бири — "WHY"нинг маъноси "Нега" деган савол маъносини билдиради. Гап шундаки, шаҳар иккита йирик автошоссе кесишган ҳудудда жойлашган бўлиб, унинг номидаги "Y" ҳарфи ана шу иккита йўл кесишмасига ишора, холос.

Янада қизиқарлиси, Канаданинг Алберта вилоятидаги шаҳарларидан бирининг маъноси таржима қилинганда "Буқа сакраши пайтида ёрилган бош", деган маънони англатар экан. Мазкур кўҳна шаҳар ЮНЕСКОнинг маданий мероси рўйхатига киритилган.

Хорватиядаги "Slime" шаҳрининг номи "Ёпишқоқ лой" маъносини англатса-да, у ўзининг гўзал тоғлари, дарё ва меҳмондўст халқи билан ном қозонган.

Англиядаги шаҳарлардан бирининг номи "Қулупнай қояси" деган маънога эга бўлиб, у мамлакатдаги энг гўзал адирда жойлашгани боис ана шундай ажойиб номга сазовор бўлган.

АҚШнинг Нью-Мексико штатидаги шаҳар инглиз тилидан таржима қилинганда "Ҳақиқат ёки асорат" деган маънони англатиб, у ўтган асрнинг 50-йилларида жуда оммабоп бўлган шу номли радио эшиттириш номидан олинган. Гап шундаки, ўшанда шоу муаллифлари мазкур дастур номини олган шаҳарга йирик ишлаб чиқариш корхонасини жойлаштиришни ваъда қилишган. Бунга учган шаҳар маъмурияти бинойидек Хотспрингис деган номни юқоридаги номга алмаштиришга қарор қилишган. Айтиш жоизки, шаҳар бугунги кунда ҳам ўзининг фойдали ер ости сувлари билан машҳур дам олиш маскани ҳисобланади.

АҚШдаги яна бир антиқа номдаги шаҳарлардан бири Пенсилвания штатида жойлашган бўлиб, унинг номи таржима қилинганда "Пруссия қироли" деган маънони англатади. Бу номнинг келиб чиқиши эса XVIII асрга бориб тақалади. Ўшанда маҳаллий қовоқхона ана шу ном билан аталган ва айнан унинг атрофида шаҳарга кўчиб келган илк аҳоли жойлашгани боис шаҳар номи ҳам шу тарзда оммалашган экан.

Дунё халқларида учрайдиган энг қисқа исмлар ҳақида жуда кўп марта эшитганмиз. Аммо бу борада францияликларга етадигани бўлмаса керак. Чунончи, Франциянинг шарқида жойлашган шаҳарчалардан бири "И" деб номланган. Норвегия денгизидаги Лофетен ороли аҳолиси эса, оролдаги бир қишлоқни "А" деб аташади. Шунингдек, Шарқий Рейн-Вестфалия ерларидан оқиб ўтувчи дарёнинг номи ҳам биргина "А" ҳарфи билан ифодаланади. Ушбу дарё атрофидаги кўприклар ҳам "А" ҳарфи шаклида юксак санъат даражасида бунёд этилган.

Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

Maslahat

Гумон қилинувчи

унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат?

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Гумон қилинувчи: суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши, суриштирувда ва дастлабки терговда иштирок этишдан бош тортмаслиги; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг гувоҳлантириш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги қарорлари ва ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа процессуал қарорлар ижро этилишига тўсқинлик қилмаслиги; ишни тергов қилишда тартибга риоя этиши шарт.

Гумон қилинувчи зиммасига кўрсатма бериш, шунингдек, ўзининг жиноятга алоқадор эмаслигини ёки ишнинг бошқа бирор ҳолатларини исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмас.

Акбар ЖАББОРОВ,
Олий суд катта консультанти

Jinoyatga jazo muqarrar

Фирибгарнинг қилмиши

унинг ўзига қимматга тушди

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Бироқ у фирибгарлик йўли билан мўмай даромад орттиришни кўзлайди. Кунларнинг бирида у таниши Зайнаб Файзиевани учратиб қолади. Суҳбат асносида Зайнаб уй-жой қуриш учун ер майдони сотиб олиш ниятида юрганини айтади. Буни эшитиб, Х.Турсуновнинг кўнглига дарров шум ният оралайди.

— Ниятингиз холис экан, — дейди у сирли жилмайиб. — Сизга 0,6 сотих жойни мен топиб бераман. Қурилиш ишларини ҳам ўз зиммамга оламан. Қарабсизки, бир-икки ой ичида таппа-тайёр уй-жойга эга бўласиз.

Х.Турсуновнинг сўзларига буткул ишонган З.Файзиева шу куннинг ўзида 1000 АҚШ доллари ва 3 миллион сўмни қўш-қўллаб унга тутқазди.

Бироқ орадан кўз-очиб юмгунча айтилган муддат ҳам ўтиб кетганига қарамай Х.Турсунов қуруқ ваъда беришдан нарига ўтмайди.

Устига-устак у фақат З.Файзиевани эмас, балки бошқаларни ҳам уй-жой қуриш учун ер олиб бераман, дея алдаб, катта миқдордаги маблағни фирибгарлик йўли билан қўлга киритади.

Жумладан, бу фирибгар кимса шундай алдов йўли билан Зафар Мавлоновдан 5 миллион 843 минг сўм, Ҳасан Норсаидовдан 10 миллион сўм, Асрор Норсаидовдан 10 миллион сўм, Самандар Фозиловдан 3 миллион 300 минг сўм, Нормурод Алмирзаевдан 13 миллион 800 минг сўм, Норсулув Ражабовадан 3 миллион 600 минг сўм, жами 13 нафар фуқародан 74 миллион 393 минг сўм олади. Энг қизиғи, у юқорида номи қайд этилган фуқароларга хусусий корхона номидан 0,6 сотих ер майдони ажратилгани тўғрисида сохта қарор ҳам чиқаради.

Албатта, фирибгар Х.Турсуновнинг алдовлари тез орада фош бўлиши аниқ эди. Охир-оқибат шундай ҳам бўлди. Фирибгар кимсага ўз қўллари билан берган маблағни ҳам, ваъда қилинган ер майдонини ҳам ололмай анча вақт оворaю саргардон бўлган фуқаролар, хайриятки, кеч бўлса-да, ўз хатоларини тушуниб етишди. Улар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат қилишди.

Шундан сўнг суриштирув асносида Х.Турсуновнинг барча кирдикорлари фош бўлиб қолди ва унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Суд очерки

Судда Х.Турсунов ўзининг айбига тўлиқ иқрор бўлди. Суд Жиноят кодексининг тегишли модда ва бандларига асосан унга нисбатан қонуний жазо тайинлади. Шунингдек, суд ҳукмида Х.Турсунов томонидан фирибгарлик йўли билан олинган маблағнинг бир қисми фуқаровий даъвогарлар фойдасига ундирилгани қайд этилиб, қолган қисми ҳам судланувчи ҳисобидан ундирилиши белгиланди.

Шу ўринда юқорида баён этилган воқеалар хусусида фикр юритганда кўнгилда айрим фикр-мулоҳазалар туғилади. Яъни ушбу фирибгарлик жиноятининг содир этилишида жабрланувчиларнинг ҳам айби йўқ деб бўлмайди. Аввало улар чуқурроқ мулоҳаза юритишганда, хусусий корхона раҳбари Х.Турсунов уй-жой қуриш учун ер майдони ажратиб бериш ваколатига эга эмаслигини, бу фирибгар кимсанинг ваъдалари шунчаки ёлғон гап эканини англаб етган бўлишарди.

Бунинг устига улар қонуний йўл қолиб эгри йўл билан мақсадларига етишни кўзлаб, ўзлари билмаган ҳолда фирибгар кимсанинг тегирмонига сув қуйишди.

Юқорида баён этилганлардан шундай хулоса келиб чиқади: бугун ҳар бир киши ўзининг ҳуқуқий билимини оширишга интилиши, атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга ҳушёр ва очиқ кўз билан қараши, аввало, ҳаётда тинчлик-осойишталикни таъминлашга, жамиятимизда қонун устуворлиги барқарорлигига хизмат қилади.

Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Ахрор ҒАППОРОВ,
жиноят ишлари бўйича Ғузор тумани судининг раиси.
Абдунаби БОБОЁРОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шоюнус ГАЗИЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Қўчқор ТОҒАЕВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Ғайрат ХИДОЯТОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй. Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Нашр индекси: Якка тартибда: 574, ташкилотлар учун: 575.

Буюртма: Г-122. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 9724.
1 2 3 4 Топшириш вақти: 19⁰⁰ Топширилди: 19⁰⁰